

МАИШИЙ НУТҚИЙ ЖАНРЛАРНИНГ НУТҚДАГИ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Хасанова Фотима Мамановна

ЎзДЖТУ докторанти

Тил тизимида қуйидаги маиший нутқий жанрлар маиший ҳаётда кўп қўлланилувчи, энг оммалашган тур сифатида ўзига хос лингвистик шаклларга эга. Буларга мисол қилибсуҳбат, ҳикоя, митинг, қадаҳ сўзлари, қасамёд, латифа, эртақ, мақол, матал, флирт, дилнома, дастхат, дуо, қасамёд, товба, васият, аския, қарғиш (дуоибад), сўкиш, сўкиниш, мақтов, фарёд, ирим, мурожаат, васият, мақол, нақл, матал, фахрий ёрлиқ, таъзия, миш-миш, флирт, дастхат, қутлов (табрик), тиланиш (зиёратгоҳларда, кўчаларда), афсун (сеҳр-жоду), келин тушди, қаъда (таъзияда), юз очди, бағишлов ва ҳок. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Тил тизимида маиший нутқий жанрлар турли функцияларни бажариб келиши билан характерланади. Гарчи улар алоҳида мустақил нутқий жанрлар сифатида намоён бўлса-да, баъзан семантик жиҳатдан бир-бирини тўлдириш, кенгайтириш хусусиятига эга. Масалан,

1) Нутқни бошловчи маиший нутқий жанрлар: табрик, эълон, саломлашув, қадаҳ сўзи каби.

2) Нутқни олиб борувчи ва кенгайтирувчи нутқий жанрлар: хабар, ҳазил, мақол, матал, ҳикматли сўзлар каби.

3) Нутқни яқунловчи маиший нутқий жанрлар: тилақ, ташаккур, миннатдорчилик, дуо каби.

Шуни айтиш керакки, маиший нутқий жанрлар йирик нутқий тадбирлар кабиларнинг бир қисми бўлиб келади. Масалан, тугилган кун тадбири, меҳмонларнинг кутиб олиш тадбири, туғилган кун тадбир, меҳмонларни кузатиш каби маиший кичик тадбирларни ўз ичига олиш мумкин. Бунда меҳмонларни кутиб олишда хуш келибсиз, келинг, кираверинг каби ҳурмат ифодаси мавжуд буйруқ гаплар, тугилган кунингиз билан деб айтиладиган табрик жумлалари, табрик учун айтиладиган раҳмат, ташаккур, миннатдорман каби миннатдорчилик билдириш жумлалари, кани, марҳамат каби байрам дастурхонига таклиф жумлалари, овқатга марҳамат, олиб ўтиринг, ...дан олинг каби таклиф жумлалари, роса ширин экан каби мақтов жумлалари нутқий

коммуникациянинг туғилган кун билан боғлиқ тадбирнинг нутқий қисмларини ташкил қилади.

Тил тизимида деярли маиший нутқий жанрларнинг расмий шакллари мавжуд. Расмий услубга мослашган маиший нутқий жанрлар лексик-грамматик, синтактик жиҳатдан расмий услуб қоидаларига мослашади. Масалан, бахтли бўлинг тилак сўзи расмий услубда мен сизга бахт тилайман шаклида расмийлашади.

Ҳикматли сўз маиший нутқий жанр сифатида тил тизимида аксарият ҳолларда маиший ҳаётда маслаҳат шаклида қўлланилиши билан характерланади. Ҳикматли сўзлар маслаҳат нутқий жанрида фаолдир. Масалан, бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг деган. Шу сабабли мен катта сифатида сенга шуни айтиб қўймоқчиман. Қадамнингни ўйлаб бос (Сўзлашувдан).

Қадаҳ сўзи нутқий жанри ҳам маиший нутқий жанр сифатида тил тизимида ўзига ҳос ўрин тутди. Масалан:

Ярим пиёла шампан ичимга олов бўлиб кирди. Бошим айланиб кетди. Уч-тўрт чўқим ош олишим билан у тагин пиёламни тўлдирди. –йўқ!
– делим қтвий бош чайқаб. –Бўлди.

-Шунака тилак айтамаки, ичмасангиз бўлмади! – Закунчи пиёласини пиёламга чўқиштирди. Кўкиш кзларида яна ўша самимий олов порлади. –Шомурод укамиз тезроқ келсину янаги йил, шу кунарда ўйингизда чақалоқ йиғиси эшитилсин!²¹

Қадаҳ нутқий жанри ҳам тилак нутқий жанрига семантик жиҳатдан ўхшашбўлса-да, қадаҳ воситасида ижро этилувчи алоҳида нутқий жанрдир. Дуо нутқий жанри ҳам тилак нутқий жанри билан деярли семантик бир мазмун касб этсада, дуо нутқий жанрида динийлик руҳи мавжуддир. Ўзбек лингвомаданиятида дуо нутқий жанри қўллар кафтининг бирлашиши ва сўнгра дуо айтилиши билан характерланади.

Сўкиниш, сўкиш нутқий жанрлари ҳам ўзига хос бўлиб, тил тизимида ҳалқнинг миллий-маданий хусусиятларни кўрсатиб берувчи нутқий жанрдир. Масалан, Оқсоқол иккинчи ҳўкизнинг шохидан ушлаб торта бошлади.

-Тур, ҳаром ўлгур! Тур!

-Поезд! – Орқадан Олимжоннинг ҳаяжонли қийқриғи эшитилди. –
Поезд келяпти!.²²

²¹Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси. Тошкент, 2018 йил, Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 300-бет

²²Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси. Тошкент, 2018 йил, Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 451-бет

Ҳазил нутқий жанри маиший ҳаётда кесатиқ, киноя, баъзан жаҳли чиққанликни ҳам ифодалаши мумкин:

-Нима бало, Музаффар! Еттита қорнинг борми, қачон қараса жағинг қимирламайди-я?! –деди²³.

Таҳдид нутқий жанри эса тингловчини қўрқитиш, пўписа қилиш орқали воқеъланади:

МАСАЛАН

-Йўқол, ош-пошинг билан! Менга қара, ҳей! Сўпоққа айтиб қўй. Тугн кўтариб уйимга борса, бутини йириб ташлайман! Тушундингми? Айтмасанг гунг тилингни суғуриб оламан²⁴.

Бу каби маиший нутқий жанрлар тил тизимида жуда кўп. Буларни аниқлаш ва уларнинг лингвистик ўзига хосликларини топиш тилшуносликнинг галдаги вазифаларидандир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Дементьев. В.В. О типологии речевых жанров в связи со сферами речевой коммуникации и без такой связи //https://cyberleninka.ru/article/n/o-tipologii-rechevyh-zhanrov-v-svyazi-so-sferami-rechevoy-kommunicatsii-i-bez-takoy-svyazi.

2. Хасанова. Ф.М. Инглиз ва ўзбек тилларида қасамёд нутқий жанрининг қиёсий-типологик тадқиқи. Т., 2019, 155-бет.

3. Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси. Тошкент, 2018 йил, Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 451-бет

²³Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси. Тошкент, 2018 йил, Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 329-бет

²⁴Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси. Тошкент, 2018 йил, Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 361-бет